

## ЎҚУВЧИЛАР БАДИИЙ, ИЖОДИЙ ТАСАВВУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭРТАКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**З. Неъматова,  
ҚарДУ тадқиқотчиси**

*Аннотация:* ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий, ижодий тасаввурини шакллантиришда халқ эртакларининг ўрни, унинг назарий ва амалий жиҳатлари борасида фикр юритилади.

Таълимнинг барча турлари каби умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган амалдаги “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарсликларида халқимизнинг бой миллий қадриятлари, анъаналари, ўтмиш маданий мерос ва буюк аجدодлар ижодий фаолияти мужассамлашган манбаларнинг жой олиши бадиий, ижодий тасаввурни шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Миллий ва умуминсоний ғояларни акс эттирувчи бу каби матнлар ўқувчиларнинг нутқий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда уларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамиятлидир.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” (1-3-синфлар), “Ўқиш китоби” (4-синф) дарсликларидаги адабий матнларнинг асосий қисмини халқ оғзаки ижоди намуналари ташкил этади. Кўшиқ, мақол, топишмоқ, тез айтиш, афсона, эртак ва бошқа шу каби намуналарда халқнинг узоқ асрлик орзу-умидлари, анъаналари, эътиқоди, дунёқараши ғоявий-бадиий асосда содда ва равон тилда акс эттирилганлиги билан ўқувчиларни бадиий, ижодий тасаввурини шакллантиришда катта ўрин тутиш билан бир қаторда илмий дунёқараши ва тафаккурини ўстиришда ҳам етакчилик қилади. Айниқса, эртаклар мисолида бу ҳолатни яққолроқ кўриш мумкин. Эртак халқ оғзаки ижодининг насрий жанри бўлиб, “ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ фантастик ҳамда ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган, дидактик ғоя ташувчи оғзаки ҳикоя”дир [Имомов К. 1.191]. Эртакка хос яна бир жиҳат шундаки, у ўқувчиларга фақатгина панд насиҳат, ўғит бериб қолмасдан, уларнинг бадиий – ижодий тафаккурини ўстиришга ҳаракат қилади. Иккинчидан, ўқувчиларни табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг яхши ва ёмон хислатлари борасида уларга кучли таассурот уйғотади. Дарсликларга келтирилган эртаклар ҳар томондан ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини

этиборга олган ҳолда танлаб келтирилган. Учинчидан, дарсликда фақатгина халқ эртаклари эмас, балки адабий эртаklar ҳам матн сифатида келтириб ўтилади. Эртаklar қадимги даврлардан ҳам ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда нутқ ўстириш ва ижодий тафаккур мезони ҳисобланган. С. Матчонов ва бошқалар муаллифлигида чоп этирилган 4-синф “Ўқиш китоби” дарслигида [Матчонов С. 2.45] “Эртаklar мамлакатада” мавзусида халқ ва адабий эртаklarдан намуналар келтирилган бўлиб, уларнинг мавзуси турличадир. Масалан, “Илм афзал” эртагида асосий персонажлар чол ва қиз бўлиб, улар оиланинг баркамоллиги, илм ва ҳунарнинг афзалликларини ҳис этиб, чол болаларининг келажаги ҳақида қайғурган ҳолда қизи билан маслаҳатлашади. Чолнинг қизи ақлли ва фаросатли бўлиб, у ҳам акаларининг ишёқмас ва дангасалигини, бирор ҳунарни эгаллашни орзу қилади. Эртаk матнида ушбу тасвир диалогик ҳолатда келтирилган бўлиб, унда тасвир қуйидагича: “Бобонинг саккиз ўғли ва бир қизи бор эди. Қизи ақлли ва сезгир экан. Ота қизига:

- Умрингни узок қилсин, бахтимдан ўргилайки, сендай фарзандим бор. Лекин акаларингдан куйдим. Уларнинг меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди, ўқиб, илм олиб, одам бўлинглар десам, гапимга кулоқ солишмайди. Шунча молимиз бор, ўқиб нима қиламиз, дейишади. Мен қариб қолдим, бу дунёдан кўз юмсам акаларингнинг ҳоли нима кечади, деб қўрқаман, қизим, - деб ҳасрат қилибди”. Эртаkда кўтарилган асосий мақсад чолнинг ўғилларига меҳнатсеварликни ўргатиш орқали уларнинг келажак турмушига ва жамиятга хизмати тегиши борасида фикр боради. Эртаk матнида келтирилган чолнинг “Давлат афзалми ёки илмми?” саволи воқеаларни қизиқарли ва муаммоли тарзда кечишини таъминлайди. Ақлга кирган қиз эса ушбу жараёни муаммоли саволларга жавоб бериш орқали акалари ва укасини мақсадли йўлдан боришини ҳоҳлайди. Эртаk ғоясидаги асосий мақсад ҳам шунга қаратилган. Кенжа ўғилнинг илмни танлаши ва қизининг ушбу фикрни қўллаши воқеаларнинг ечими сари ундайди. Ушбу воқеалардан хабардор бўлган акалар меҳнат қилишга уринадилар. Албатта, эртаkнинг ечими қаҳрамонларни эзгу мақсадлар сари интиштириш. Барча эртаk воқеалари яхшилик ва мурод-мақсадга етиш билан тугалланади. Биргина ушбу эртаk орқали ўқувчилар матннинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда унда қўйилган ғоявий мақсадни англайди. Иккинчидан, матнда келтирилган диалогик жараён, турли хилдаги муаммоли вазият ҳамда ушбу тасвирни гавдалантирувчи тил воситаларининг ўринли қўлланиш аҳамияти бадиий тафаккурини ўстиришга ҳаракат қилдиради. Ўқувчилар эртаk воқеаларининг изчил давом этиши орқали

муаммонинг ечими нимада эканлигини англайди. Демак, эртақларни бошланғич синф ўқувчиларига ўргатиш орқали уларнинг фақатгина бадиий тасаввурини ўстириш билан бир қаторда ижодий тасаввурини ҳам ўйғотиш аҳамиятлидир. Ижодий тасаввур эртақдаги турли ўринларга изоҳ бериш, ўқувчиларни муаммо гирдобига олиб кириш, мустақил фикрлашга ўргатиш асносида амалга оширилади. Биринчи навбатда эртақдаги қаҳрамонлар характериини ўрганиш, иккинчидан, эртақ воқеаларида драматик вазиятни юзага келтирувчи омилларни синчковлик билан таҳлил қилдириш, учинчидан, турли дидактик усулларни самарали қўллаш асосида ижодий тафаккури шакллантириб борилади.

Шу билан бир қаторда таълимнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда бошланғич синф ўқувчисининг мустақил фикрлаши, бадиий ижодкорлиги, илмий-назарий билимларни эгаллаш услубини ўйинлар асосида қуришнинг ўзи алоҳида муаммодир. Чунки баркамол авлодни шакллантиришнинг бош омили ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Чунки ўқувчи ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган натижаларнинг тингловчиси эмас, балки иштирокчисига айланиши, бунинг учун ўқитувчи ижодкор, мавзуни баён этишда турли хил муаммоли вазиятларни келтириши, ўқувчиларни воқелик ҳақида бош қотиришга, хаёлот оламига, фикр билдиришга мажбур этиши лозим. Дарсликда келтирилган “Давлат”, “Кўзача билан тулки”, “Зийрак бола” ва бошқа эртақларда ҳам ўқувчиларни ҳар томонлама бадиий, ижодий тасаввурини шакллантиришга қаратилган ғоявий мақсад мавжуд бўлиб, ўқувчилар уларнинг фақатгина тингловчиси эмас, балки онгли ҳис этиши орқалигина давом эттириши муҳимдир. Бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий, ижодий тасаввурини шакллантиришга қаратилган бир қатор усулларнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш эса таълим жараёнидаги асосий омиллардандир.

Хулоса қилиб айтганда, эртақлар жанр хусусияти, мавзу камрови, воқеликни бадиий ифода этиши нуқтаи назаридан ўқувчиларни, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг бадиий, ижодий тасаввурини шакллантирувчи адабий манба эканлиги билан диққатга сазовордир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Имомов К ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 191.
2. Матчонов С ва бошқ. Ўқиш китоби. Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик. –Тошкент, 2020. –Б. 245.